ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ярашбек Холлиевич Ғаффоров
Тарих фанлари номзоди, Тарих кафедраси доценти,
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим методларининг хилма-хиллиги ва ривожланиш босқичларининг истиқболлари тахлил этилган.

Калит сўзлар: грамматик, индивидуал, экспертлар, мажмуа, анкета, статистика.

MAIN ASPECTS OF TEACHING METHODS

Yarashbek Khollievich Gafforov
Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor of the Department of History,
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article analyzes the diversity of teaching methods and the prospects for the stages of development.

Keywords: grammar, individual, experts, complex, questionnaire, statistics**.**

КИРИШ

Амалий ўқитиш методларининг барча асосий турларини уларни қўллашда ҳозирги замон методика ва педагогика фани ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари киритадиган янги ҳолатларни қайд этиб бирмунча батафсилроқ изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Ўқитишнинг амалий методлари доираси жуда кенг. Уларга: 1) ёзма машқ методлари; 2) тажриба-лабратория йўналишидаги машқлар методи; 3) меҳнат топшириқларини бажариш методлари ва бошқалар киради.

Биринчидан, ёзма машқлар ва уларни бажаришда ўқув ахборотларини шунчаки оғзаки ёки кўргазмали ижро қилиш содир бўлиб қолмай,балки олинган назарий билимларни амалиётда бевосита қўллаш амалга оширилади. Ёзма машқларни бажаришда уларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қўшимча ҳаракат жараёнлар ҳисобига пухтароқ эслаб қолиш жараёни содир бўлади. Расмлар, чизмалар, жадвалларни мустақил тайёрлаш ўзлаштирилган ахборотни мустаҳкамлашнинг амалий усули ва кейинчалик уни чуқурлаштириш, кенгайтириш учун асос хизматини ўтайди.

Амалий машқлар методидан фойдаланилганда олинган назарий билимларни амалда яхлит қўллашни тўлиқ даражада таъминлаш имконини берадиган машқлар тизимини танлаш жуда муҳимдир. Агар масалан саводли (грамматик) ёки имловий (орфографик) қоидаларнинг қандайдир гуруҳи ўзлаштирилаётган бўлса, у ҳозирда машқлар тизими бу барча қоидаларнинг амалий қўлланилишини тўлиқ қамраб олиши керак. Машқларни бажаришда ўқитиш методларининг бу турини қўллашнинг самарадорлигини ошириш таъминловчи қуйидаги қоидаларги риоя қилиш зарур: Ўқувчилар олдига бажарадиган машқларнинг аниқ мақсадини; машқларни бажариш давомида қандай билимларни қўллаш, нимани мустаҳкамлаш, машқни бажариш давомида қандай билим ва малакаларни ҳосил қилиш зарурлигини қўйиш керак [1]. Машқларнинг мақсадсизлиги уларни бажаришда вақтнинг ортиқча сарфланишига олиб келади, ўқувчиларнинг амалий ишга бўлган эътиборини пасайтиради. Машқларни бажаришдавомида хатоларни ўз вақтида пайқаш ва уларни бутун синфга дархол маълум қилиш керак. Машқларнинг натижаларини аниқлаш баҳолаш ва у ёки бу билимларни қўлланиш юзасидан эгалланган амалий кўникмаларни янада такомиллаштириш, тадбирларни белгилаш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқитиш методларини танлашнинг асосий жиҳатлари тадқиқотчилар, олимларимиз ва педагогларимиз томонидан турли хил илмий методик нашрларда таҳлил қилинган. Жумладан Ю.К.Бабанский. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари.1990., Смесова Е.А.Методика преподавания истории в школе. 2019., Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров. Тарих ўқитиш методикаси. 2010., Ў.Қ.Толипов., М.У.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.2006., ва бошқаларнинг бир қаатор асарлари ва илмий мақолаларида ўз аксини топган.

МУҲОКАМА

Амалий машғулотлар давомида ўқитувчи умумий маслаҳатлар бериш ва огоҳлантириш имкониятидан маҳрум, чунки ҳар қайси ўқувчи ўзига топширилган маълум ишни бажаради, шунинг учун ҳам бу ерда гуруҳ бўйича ва индивидуал иш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат машқлари методи ўқувчиларнинг маълум меҳнат ҳаракатларини ва топшириқларини онгли бажаришларини ва такрорлашларини, шу асосда уларда тегишли меҳнат маҳорати ва малакаларини таркиб топтиришни тақозо

қилади. Машқларнинг мазмуни ҳар бир синфдаги меҳнат таълими дастури билан белгиланади. Бу дастурлар бажариладиган машқларнинг қийинчилик даражаси аста-секин ортиб боришини таъминлайдиган қилиб тузилган. Шу билан бирга улар меҳнат кўникмаси ва малакаларини яҳши ўзлаштириб олиш учун зарур бўладиган мантиқий тизимни ҳам ҳисобга олади.

Кейинги йилларда меҳнат машғулотларида машқлар ўтказиш учун хилма-хил мосламалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Улар меҳнатга доир қўникма ва малакаларни мустаҳкамлашни тезлаштиришга имкон беради, ўқувчиларда тегишли босқич учун зарур ҳамда мумкин бўлган меҳнатнинг бир текисда бориши ва суръатини таркиб топтиради.

Ҳозирги кунда қандай педагогик вазиятда қайси методлар ўқувчиларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг муайян вазифаларини самаралироқ бўлиши ва уларни қандай қилиб аниқроқ бириктиришини кўрсатувчи айрим аниқ тадқиқотларга эгадир. Аммо олдиндан шуни таъкидлаш мумкинки, методларни таққослашда бир қатор бошланғич шартларга қатъий риоя қилиш зарур, буларни ҳисобга олмаслик таққослаш тадбирининг ўзини илмий-жиҳатдан нотўғри бўлишга олиб келади [2].

Биринчидан, биз қабул қилган классификация бўйича айни бир кичим гуруҳга кирувчи методларнигина таққослаш керак. Масалан, ҳар хил методлар гуруҳидан бўлган оғзаки ва изланиш методларини эмас, балки айни бир кичик гуруҳнинг ўзига кирувчи репродуктив ва изланиш методларини таққослаш керак.

Иккинчидан, умуман методларнинг самарадорлигини эмас, балки уларнинг аниқ таълим вазифаларини ҳал қилишда қанчалик самара бериши мумкинлигини таққослаш керак. Айрим вазифаларни ҳал қилишда бир метод бошқасига нисбатан самаралироқ бўлиб чиқиши мумкин: бошқа вазифаларни ҳал қилишда эса улар ўрни алмашади: Сўнгра шуни ҳам назарда тутиш керакки, самарадорликни таққослаш, баҳолаш у ёки бу методнинг муайян вазифани ҳал қилишдаги ролини инкор қилмайди, балки фақат методларни танлашда улардан самаралироқ бўлиши мумкин бўлган афзаллик бериш фойдали эканлигини таъкидлайди.

Ўқув меҳнати малакаларини, китоб устида ишлаш тажрибалар ўтказиш, материални тўғри эслаб қолиш ўқув вазифаларини мустақил ҳал қилиш, асосийсини ажрата билиш, ўз ишини режалаштира олиш каби маҳоратларни ва ҳоказоларни таркиб топтиришда деярли барча методлардан фойдаланиш зарур. Аммо шунга қарамасдан,энг муҳим методлар сифатида амалий методларни ва мустақил ишлаш методларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотларнинг тарихий-таккослаш методлари. Тарихий методлар. Педагогик тадқиқотлар, хусусан, дидактик тадқиқотлар асосан ўқитувчининг дидактик фаолияти билан ўқувчилар тахсили натижасида ҳамда ўқувчиларнинг ўз фаолиятлари натижасида улар шахси, билим, иқтидор ва кўникмаларининг ўзгариши орасидаги боғлиқликни очишга қаратилади. Хўш, бундай боғлиқлик дидактик тадқиқотлар натижасидан олинадими ёки уларни яқин, узоқ ўтмишдан олса бўлидими? Амалий ҳаёт бу муаммога ўзича жавоб беради.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида ижтимоий муносабатлар маълумотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берган. Масалан, саноат ишлаб чиқаришини индустрлаштириш, илмий техникавий инқилоб маълум даражада таълим ва тарбия мазмуни, шакллари ва услубларини танлашга таъсир кўрсатади.

Тарихан таълим-тарбиянинг барча ҳолларида юз берган ўзгаришларнинг хусусиятлари, тамойиллари, қонуниятларини ўрганмасдан туриб, маълумот масалалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Тарихий педагогик тадқиқотларнинг мақсади шундай қонуниятларни аниқлашдан иборатки, бу қонуниятлар фақат якин ва узоқ тарихни ўрганишни эмас, шу билан бирга таълимнинг ҳозирги ахволини, ундан ҳам муҳими-келгусини белгилаш имконини бермоғи лозим [3].

Назарий таққослаш - солиштириш методи. Бундай педагогик тадқиқот халқаро педагогик тадқиқотларга асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш- турли мамлакатлардаги таълим ва тарбия тизимларининг умумий қонуниятларини аниқлаш. Дунёда юздан ортиқ таълим тизимлари мавжуд. Албатта, мустақил Ўзбекистон Республикасида эски таълим тизими асосида ишлаш мумкин эмас. Бошқа мамлакатларда амал қилиб турган таълим тизимларининг қулай ижобий томонларини юқорида кўрсатилган таққослаш-солиштириш тадқиқотлари асосида бизнинг таълим тизимимизга кўчириш мумкин.

Иккинчи йўналиш ҳар бир таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни, уларни тасдиқловчи фактлар тўпламини, турли тарихий даврлардаги ва турли тарбия муҳитларига оид ўзига хос томонларни аниқлашдан иборат.

Учинчи йўналиш таълим тизимларининг ички хусусиятларини аниқлаш, ўхшаш ва фарқли хусусиятларини белгилаб, уларнинг таълим тизимидаги умумий хусусиятлар билан боғлиқ аломатларини ва алоҳида хусусиятлари сабабларини аниқлаш имконини беради. Бу турдаги тадқиқотлар фақат статистик маълумотлар ва анкеталар натижасини таҳлил қилиш билан чегараланмайди.

Таълим тизимларини тадқиқ этиш махсус тайёргарликдан ўтган халқаро экпертлар гуруҳлари томонидан тегишли илмий-текшириш ташкилотлари билан хамкорликда ўтказилади. Бунинг учун илмий-тадқиқотнинг махсус концепцияси, усулларини танлаб олиш мезонлари ишлаб чиқилади ва матбуотда эълон килинади. Кенг китобхонлар ва қизикувчилар эътиборидан ўтган концепция Халқаро педагогик уюшмалар томонидан тасдиқланади ва бевосита ишга киришилади.

Таълим методи-ўқув жараённинг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметининг ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса,биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига урғу берамиз. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида аҳлоқий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишини таъминлайди, ахлоқли инсонгина таълим (билим)ни қадрлай олади, зеро ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган ғояни илгари сурамиз.

Маълумки, XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан, техника ва технологиялар ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларни янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янги турмуш тарзи кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунки мураккаб техника ва технология билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулотда рўй берувчи вазиятларда хам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда [4].

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш “Таълим технологияси” йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий этибор ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширишни, техник воситаларнинг такомиллаштириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг объекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини ва “таълим воситаларини технологиялаштириш”нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида урғу берилди.

XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг моҳиятини олиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим ўқувчиларга муайян билимларининг алохида қисми холида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШ да фаолият юрита бошлаган “Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Қўмита” томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, уларни ўзгартириш баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим муҳитини аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўзгартириш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчасига қайта ташкил этиш тушунчаси мазмунига мос келади [5].

ХУЛОСА

Шундай килиб, хилма-хил ўкитиш методларининг имкониятлари нисбийдир ва бу методларни киёслашда улар қўлланиладиган шароитларни хал килинадиган вазифаларининг характерини материал мазмунининг хусусиятини ўкувчиларнинг ёши ва тайёргарлик даражасини қатъий ҳисобга олиш керак. ўқитувчиларнинг иш тажрибасида ўқитиш методларининг тўғри танлаш муаммосини маълум даражада етарли тушунтирмаслик ҳоллари учрайди. Масалан мактаблардан бирида биз «чет тилларини ўқилишининг энг кулай методлари» деб номланган планшетга эътибор бердик бунда муаммоли суҳбатлар ва ўқитишнинг техник воситалардан фойдаланиш тўғрисида гап юритилган эди. Планшет муаллиф ўқитувчи иш тажрибасида айтиб ўтилган методлардан фойдаланишни кенгайтириш лозимлини кўрсатишга интилганликлари шундайгина кўриниб турибди. Лекин у ёки бу методни

оптималлиги унинг аталиши, унинг одатдагича бўлиб қолганлиги билан эмас балки унинг дарс вазифалари ва мазмунига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиклиги билан баҳоланади. Энг мақбул танлаган методлар қўйилган вазифаларнинг ажратилган вақтда яхшироқ ҳал қилиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ю.К.Бабанский. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т., Ўқитувчи, 1990, 130-132 бетлар.
2. Смесова Е.А.Методика преподавания истории в школе Т. 2019. “FAVLASUFLAR”? 63стр
3. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров. Тарих ўқитиш методикаси. Т.Турон-Иқбол, 2010й. 72 бет.
4. Я.Х.Ғаффоров. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Т. Университет, 2015й 10 бет.
5. Ў.Қ.Толипов., М.У.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т.Фан, 2006, 9-бет.
6. Ғаффоров Я.Х. Тарих ўқитиш усуллари тизимини ривожлантириш ва тарих таълими самарадорлигини ошириш усуллари. 2020 йил, апрел. (Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching) ERPA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 12.05.2020. India.

REFERENCES

1. Ю.К.Бабанский. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т., Ўқитувчи, 1990, 130-132 бетлар.
2. Смесова Е.А.Методика преподавания истории в школе Т. 2019. “FAVLASUFLAR”? 63стр
3. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров. Тарих ўқитиш методикаси. Т.Турон-Иқбол, 2010й. 72 бет.
4. Я.Х.Ғаффоров. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Т. Университет, 2015й 10 бет.
5. Ў.Қ.Толипов., М.У.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т.Фан, 2006, 9-бет.
6. Ғаффоров Я.Х. Тарих ўқитиш усуллари тизимини ривожлантириш ва тарих таълими самарадорлигини ошириш усуллари. 2020 йил, апрел. (Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching) ERPA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 12.05.2020. India.